40 (474)
2005 йил 5 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Қадимий шаҳар замонавий қиёфада
▶ Маҳаллага "ишқи тушган" ким ўзи?

3 ▶ Қўшничиликни қадрлаган зангиоталиклар...
▶ Аждодлар мероси — комилликка йўл!

4 ▶ Бухоро — "Мадинат ут-тужжор..."
▶ Моддий ёрдам меъёри

Хоразм вилояти

"СОҲИБКОР"НИНГ ХИРМОНИ

Бугун қишлоқ ва маҳаллаларда яшаётган кўпчилик юртдошларимизнинг ташвиши бир. У ҳам бўлса далаларда қийғос очилган пахта ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, асосий бойлигимиз бўлган оқ олтин хирмонини юксалтириш.

Боғот тумани ҳудудида жойлашган "Соҳибкор" фермер хўжалиги аъзолари ҳам бу йил ўзларига ажратилган майдонда пахта етиштирди. Давлатга пахта топшириш кўрсаткичи ҳам юқори. Ҳар бир гектар ердан 35 центнердан ошиқ ҳосил йиғиштириб олинаяпти. Айни пайтда теримчилар хўжалик далаларига ҳашарга чиққан.

СУРАТДА: *фермер хўжалиги иш юритувчиси Қувондиқ Саидниёзов пахтазорда.*

Навоий вилояти

Замондош аёл журъати

ЛОЧИННИНГ КОТИБАСИ ЛОЧИНМОНАНД

Яқинда "Маҳалла" жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмасига шаҳар прокуратурасидан қуйидаги мазмунда тақдимнома келди:

"...Кармана туманида яшовчи фуқаро Ҳ.Наврўзов томонидан содир этилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шаҳардаги Лочин маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Муҳаббат Эргашеванинг маҳалла ҳудудида фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида, қонунийлиқ ва ҳуқуқ тарғиботини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатгани, ушбу жиноят иши юзасидан далилларни мустаҳкамлашда жасорат кўрсатгани аниқланди. Шуларни эътиборга олиб, ўзининг хизмат вазифасини ва ижтимоий бурчини намунали бажарган М.Эргашеванинг бу фидойилигини йиғиннинг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилишингизни ва ваколатингиз доирасида тақдирлашингизни сўраймиз."

Лочиннинг ҳушёр ва жонқуяр котибаси "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Энг муҳими, у ўз ишининг фидойиси, айни пайтда юрт, халқ тинчлиги учун жасоратли маҳалла фаоли сифатида маҳалладошлари ҳурмат-эътирофини қозонди.

С.МУҚИМОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмаси раиси.

Муносабат:

"Ҳашарда қурилган бино: у кимга тегишли?" 2005 йил 27 июль

БИНО МАҲАЛЛАНИКИ БЎЛАДИ(МИ?)!

Ушбу мақолада Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Самарқанд маҳалласи фуқаролар йиғинида бундан ўттиз йиллар муқаддам ҳашар йўли билан қурилган бинонинг эндиликда туман "Матлуботсавдо" ОАЖ ҳисобида эканлиги, бу масаланинг йиғин фойдасига ҳал этилиши маҳалла аҳлининг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этиши ҳақида мулоҳазалар баён қилинган ва мақола туман ҳокимияти мутасаддилари эътиборига ҳавола этилганди. Мазкур мурожатимизга туман ҳокими А.Жўраевнинг имзоси билан қуйидаги мазмундаги жавоб хатини олдик:

"...Масалани ўрганиш жараёнида мақолада кўрсатилган талаблар асосли эканлиги тасдиқланди. Маҳалла биносининг қурилиши 1970-йилларда ҳақиқатдан ҳам маҳалла аҳли томонидан ҳашар йўли билан амалга оширилган. Лекин бино қурилишини тўлиқ тугаллашга аҳолининг имконияти етмай, қурилиш туман "Матлуботсавдо" бошқаруви томонидан ниҳоясига етказилган. Ўша пайтда маҳалла фаоллари, собиқ оқсоқолларнинг бепарволиги оқибатида бино ўз вақтида маҳалла мулки сифатида расмийлаштирилмаган. Бинодан умумий овқатланиш шохобчаси сифатида фойдаланилган пайтда у "Матлуботсавдо"нинг ҳисобига ўтган. Айни кунда бинони тўлиқ маҳаллага қайтариш учун "Матлуботсавдо" ОАЖнинг бу ҳақдаги умумий йиғилиши қарори керак. Туман ҳокимлиги ушбу масаланинг маҳалла ҳисобига ижобий ҳал бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Ҳокимият томонидан жамиятнинг навбатдаги умумий йиғилишида мазкур масала кўриб чиқилиши тавсия этилган."

— Яна нима дейди?
— Юрт хиёнаткорлари муносиб жазолансин, — дейди.

ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ:

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бугунги Малайзия — мафтункор ўлка дунё ажойиботлари ва гўзаллигини кашф этишга бел боғлаган ёш саргузаштпарастни ҳам, тажрибали сайёҳни ҳам бефарқ қолдирмайди. Қаерга қараманг, дид билан ўстирилаётган палмазорлару беадад архидеязорлар ва «Selamet datang» деган лутфга дуч келасиз. «Хуш келибсиз» деган мазмундаги бу ибора меҳмоннинг кўнглини хушлаш учун шунчаки айтиладиган мулозамат эмас, балки миллий анъана, шарқона меҳмоннавозлик белгиси эканлигини мамлакатга кириб борганингиз сари чуқурроқ ҳис этасиз. Ўзимиздаги сингари озодалик, хуш муомала, покиза инсонийлик.

Малайзия бир маҳаллар нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бойлиги билан машҳур эди. Аниқроғи, хомашё ўлкаси эди. Бугун у юксак суръатлар билан тараққий этиб бораётган, ривожланган давлатларга ҳар жиҳатдан тенг келиб қолган мамлакат десак, хато бўлмайди.

У дунёдаги энг илғор технологияларни, таъбир жоиз бўлса, зудлик билан ўзлаштириб олган, компьютер билан алоқадор соҳаларда фаолият кўрсатадиган фирма ва компаниялар энг кўп жойлашган мамлакатлардандир.

Айни пайтда ушбу мамлакат Жанубий-шарқий Осиёдаги энг нуфузли ташкилот бўлмиш АСЕАНга раислик қилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, АСЕАНни таъсис этишда Малайзия асосий ташаббускор бўлган. Демак, ушбу давлат билан ҳамкорлик орқали Ўзбекистон жаҳоннинг катта бир минтақаси мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади.

Малайзия айни вақтда Ислом конференцияси ташкилотига (ИКТ) ҳам раислик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг нафақат ушбу ташкилот аъзолари орасида, қолаверса, бутун мусулмон дунёсида обрў-эътибори юқори эканлигидан далолатдир. Яъни, Ўзбекистон Малайзия

билан ҳамкорлик воситаси орқали ИКТ аъзолари билан ҳам муносабатларни фаоллаштириш имкониятига эга. Диний экстремизм, динни ниқоб қилган халқаро террорчилик таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда эса бу ғоят муҳим аҳамиятга молик масаладир.

Иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам Малайзия билан ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатлидир. Юқори технологияларни ўзлаштириш борасида, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва бу минтақадан сармоя жалб қилишда Малайзия билан алоқаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Юқорида зикр этилган сиёсий омилларнинг ўзи бу фикрга яхшигина асос бўлиши мумкин.

Икки томонлама муносабатларга доир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувларнинг яқин ё ўхшашлигини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон доим халқаро майдонда ушбу давлатни қўллаб-қувватлаб келади. Мисол учун, мамлакатимиз БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп марта Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили — ЭКОСОСга, 1998 йили Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш бўйича қўмитага.

Малайзия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини қадрлайди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик унга Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари бозорларига йўлни кенгайтириш имконини беради. Ташриф чоғида Малайзия раҳбарияти ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билан қараши маълум бўлди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллуллайл билан мулоқотда кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашди. Мамлакат Бош вазири Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Аввало, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Президент Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Унда ҳамкорликнинг тамойиллари ва истиқболлари баён этилиб, муносабатларни ривожлантириш борасида томонларнинг яқдиллиги, қатор халқаро ва минтақавий масалаларга қарашлари ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада

Халқ талаби — ҳақ талаб

СУДГА СЎЗИМИЗ БОР...

Юртдошларимиз Андижондаги террорчилик ҳаракатларини содир этганлар устидан суд жараёни бораётган пайтда ўз айбловларини газета орқали баён этишни истамоқдалар

Айни кунларда 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган хунрезликларнинг бевосита иштирокчилари бўлган 15 нафар айбланувчи устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтаётган суд жараёнлари давом этмоқда. Айбланувчилар кўрсатма бериб бўлдилар. Айни пайтда эса жабрланувчиларнинг кўрсатмалари тингланмоқда.

Бундан тўрт ой муқаддам Андижон шаҳрида босқинчилик ҳаракатлари юз берганда барчамиз ҳаловатимизни йўқотдик, юрагимизда нимадир жиз этди-ю, танимизда оғриқ қолди. Бу — Ватанга, халқимизга бўлган чексиз муҳаббатимиз туфайли эди. Шукрки, ҳукуматимиз террорчилик хуружини тўхтатишга муваффақ бўлди, халқимиз саросимага тушмади, оғоҳликни, хушёрликни оширди. Бироқ, афсуски, кўплаб бегуноҳ инсонлар қони тўкилди, Андижондек гуллаган шаҳарда вайроналиклар бўлди. Жиноятчилар бир қанча оилалар бошига кулфат солди. Бу халқ учун, юрт учун катта йўқотиш эди. Ўшанда Ғарб оммавий ахборот воситалари, айрим матбуот нашрлари Андижон воқеаларини нотўғри талқин қилишга ҳам уриндилар.

Айни пайтда судда кўрсатма бераётган жабрдийдаларнинг сўзлари юракка тиғ қадайди, кўзни беихтиёр ёшлантиради. Бу эрта бир кунимга ярар, ўлсам тобутим тепасида туриб йиғлар, деб яхши ниятлар билан ўғил ўстирган-у, бугун ўз боласини қабрга қўйган муштипар оналарнинг, қадди дол оталарнинг ғамли нолалари... Тақдир қисматига қора кунлар солган бундай оилалар сони, таассуфки, бир эмас, икки ёки ўн ҳам эмас... кўпроқ.

Аслида, май воқеаларидан жабр чекканлар фақат улар эмас, бу офат, бу фожеа бутун халқники, юртники. Демак, террорчи кимсалар устидан суд жараёнига кўрсатма бериш учун барча жабрланувчилар йиғилса, бутун Тошкент шаҳрига одам сиғмай кетган бўлармиди. Негаки, юртимизнинг ҳеч бир фуқароси йўққи, бу хунрезликдан қалбан жабр чекмаган бўлса. Шу боис, бугун халқимиз, маҳаллалар аҳли судда қатнашиб, сўзини айтиш иложи йўқлиги учун ўз кўнгилдаги гапларини матбуот орқали айтишни лозим топмоқда. Таҳририятимизга келган юзлаб мурожаат хатлари билан танишар эканмиз, ҳали юртдошларимиз қалбида Андижон воқеалари солган жароҳат битмаганига, судда айбланаётган жиноятчи шахсларга нисбатан уларнинг нафрати чексиз эканига гувоҳ бўлаяпмиз. Шу боис бу сўзлар гўёки айблов хулосаси сингари бўлмоқда.

Андижон вилояти Пахтаобод тумани Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чорбоғ маҳалласи оқсоқоли шундай ёзади:

"... Андижондаги қайғу-фожеа кимлар учундир қувончли бўлди. Айрим хорижлик журналистлар май воқеаларини нотўғри талқин қилиб, бўрттириб, кези келганда иғвою бўҳтон эвазига чўнтак қаппайтирдилар, моддий манфаат кўрдилар. Масалан, хориж матбуотида эълон қилинган бир хабарда шундай дейилади: эмишки, бизнинг Пахтаобод туманида Андижондаги террорчилик ҳаракатлари оқибатида 200 нафар киши ҳалок бўлибди. Ваҳоланки, туманда 12-13 май кунлари содир этилган воқеалардан бирор кимса азият чекмаган, ҳеч ким қурбон бўлмаган. Қолаверса, ўша кунларда Пахтаободда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эди... Бугун мана жиноятчилар қора курсида ўтирибди. Уларнинг қилмишларини биз пахтаободликлар қоралаймиз. Олий суддан халқ номидан сўраймизки, ватанини оёқости қилган, бегуноҳ инсонлар қонини тўккан кимсалар энг аёвсиз жазога тортилса..."

Андижон шаҳридаги фаол аёллардан бири Мавлудахон Мамажонованинг ҳам судланувчиларга нисбатан муносабати барча юртдошлар қалбидаги нафрат туйғусини ифодалаган:

"Шаҳримизда бўлиб ўтган воқеалар қалбимни ларзага солди, — деб ёзади у. — **Жиноятчиларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб чуқур ўйга толдим. Наҳотки одамзот учун дунёда тинчликдан ҳам буюкроқ, қадрлироқ неъмат бўлса?! Наҳотки Андижондаги қўпорувчилик ҳаракатлари иштирокчилари бегуноҳ инсонлар қонини тўкиш, оталар лаънати, оналар қарғиши, халқ нафратига дучор бўлиш энг оғир жазо эканлигини фаҳмламаган бўлсалар?! Мен ҳам бугун она сифатида судда ўз қилмишлари учун жавоб бераётган 15 нафар жиноятчиларга лаънат дейман".**

"Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, — деб бошланади Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Учкўза маҳалласининг бир гуруҳ фуқаролари номидан ёзилган мактуб. — **Юртбошимиз билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, алдовларга учиб, нобакор кимсалар сафига қўшилган фарзандларимизни бир неча бор авф этди, ўларни тўғри йўлдан юришга чақирди. Аммо Андижонда одамлар ўлимига, юрт вайронагарчилигига сабабчи бўлган кимсаларга ҳеч ким раҳм-шафқат қилмайди".**

Таҳририятимиз манзилига келган бошқа мактублар мазмуни ҳам юқоридаги мурожаатларга ўхшаш. Энг асосийси, хат йўллаган юртдошларимизнинг истаги бир: яъни жиноятчиларга орамизда ўрин йўқ.

Тўғри, Андижон воқеаларининг иштирокчилари бўлган 15 нафар айбланувчилар устидан бўлиб ўтаётган суд жараёни ҳали якунлангани йўқ. Қолаверса, ҳукмни суд чиқаради. Бироқ, назаримда, бугун ҳар бир юртдошимиз жабрдийда сифатида одил судга ўз сўзларини, истакларини ва талабларини айтишга, жиноятчиларнинг қилмишларини қоралаб фикр билдиришга тўлиқ ҳақли ва асосли.

Фаррух БЎТАЕВ

Истиқлол берган имкониятлар

Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси.

ҚЎҚОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, катта бунёдкорлик ва яратувчанлик ишининг устидан чиқасиз. Шаҳар ва туманларимиз марказларида қад кўтараётган осмонўпар бинолар, қишлоғу маҳаллаларимизда барпо этилаётган замонавий иншоотлар, кўркам гузарлар — буларнинг бари истиқлолнинг бизга берган буюк имкониятларидан бир нишона.

Фарғона водийсининг кўҳна ва навқирон шаҳри Қўқон ҳам бугун ана шундай ўзгаришларга юз тутди. Яқингача кўпгина хорижлик сайёҳлар бу шаҳарга асосан юртимизнинг узоқ ўтмишдаги тарихини ўзида акс эттириб турган қадимий обидаларни, муборак қадамжоларни томоша қилиш ёхуд зиёрат этиш ниятида келар эдилар. Шу боис Худоёрхон ўрдаси, Жомеъ мажмуаси, Даҳмаи шоҳон, Моддарихон ва Дастурхончи мадрасаларини ўз бағрига олган кўҳна Қўқон кўпроқ тарихий шаҳар сифатида қадрланиб келди. Мана бугунги кунда — мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Қўқоннинг ўзига хос миллий меъморчилик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда юзлаб савдо ва маиший хизмат объектлари қурилди, янги корхоналар ишга туширилди. Хусусан, бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан Қўқонда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик фаолияти тараққий этди. Бир сўз билан айтганда, бугун Қўқон йирик саноат шаҳрига айланган. Бу ерда 20 дан зиёд саноат корхоналари, 1308 та кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатаяпти. Бироқ аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш талаб этилиётган бир пайтда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тақозо этиляпти. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Қўқон шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида, ижтимоий инфраструктура ва туризмни ривожлантиришда, аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлашда ва бошқа йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Шу боис яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузурида ўтказилган йиғилишда Қўқон шаҳри ҳудудида жойлашган саноат корхоналаридаги аҳволни яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш сифатини юксалтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давоми 2-саҳифада

— Яна нима дейди?
— Юрт хиёнаткорлари муносиб жазолансин, — дейди.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 146

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.A» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳукуматлари ўртасида Ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, Савдо бўйича қўшма қўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид англашув меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги ахдлашув протоколи имзоланди.

Сафар асносида Президент Ислом Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Ҳамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Бин Нга Толиб билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Ҳамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН, Ислом конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ислом Каримов, шунингдек, Малайзиянинг собиқ Бош вазири Махатхир Муҳаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Махатхир Муҳаммад Ўзбекистон-Малайзия муносабатларига оид масалаларни яхши билади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига Малайзия томони катта тайёргарлик кўрди. Савдо бўйича қўшма қўмита ташкил этиш борасида келишувга эришилган, лекин ҳали бу ҳақдаги ҳужжат имзоланмаган эди. Шундай бўлса-да, сафарнинг иккинчи куни қўмита ўзининг илк мажлисини ўтказди. Бу томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ҳамоҳанг, мақсадлари муштарак эканлигидан яна бир далолатдир.

Қўмита йиғилиши икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумига уланиб кетди. Қатнашчилар сафи бир неча карра кенгайиб, бизнесменлар бевосита ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан музокара ўтказдилар, имконият, шарт-шароит ва бошқа омиллар бўйича савол-жавоблар белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди.

Форум якунида Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармон доиралари ўртасида жами 16 ҳужжат имзоланди. Улар банк-молия, сармоя, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳамкорликни назарда тутади. «Петронас» корпорацияси билан тузилган 2 ҳужжатни ҳам қўшиб айтадиган бўлсак, иқтисодий мажмуа бўйича 18 келишув расмийлаштирилди. Уларнинг молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

Шу ўринда «Петронас» корпорацияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. 1974 йил 17 августда ташкил этилган мазкур йирик трансмиллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур марказида қад ростлаб турган мўъжиза ҳам яхши тасаввур беради. Айни шу ном билан аталувчи «эгиз» минора нафақат Малайзия пойтахти, балки бутун мамлакатнинг рамзи ва фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган бу қўшминорнинг баландлиги сал кам 452 метрга тенг. Улардаги идоралар, дўконлар, кўргазма ва конференция заллари, галереялар, ошхонаю кўнгил очар масканларнинг жами майдони 214 минг квадрат метрга етади. Бу 48 футбол майдони демакдир. «Петронас» корпорацияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Президент Ислом Каримовнинг ташрифи Малайзия раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни юксак даражада қадрлашини яна бир бор намойиш қилди. Қирол Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллуллайл давлатимиз раҳбарини Парламент майдонида расмий кутиб олган бўлса, расмий хайрлашув маросими учун Ислом Каримовни ўзининг «Истана Негара» саройига таклиф этди.

Шу тариқа Ўзбекистон Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди, алоқалар пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Малайзияни сиёсий ҳамжиҳатлик, халқларимизни эса диний ва маданий қадриятлар бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майдони мавжуд. Айниқса, нефть-газ, юқори технологиялар, енгил саноат, савдо ва сармоя соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислом Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи ана шу бой ва мустаҳкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Куала-Лумпур—Тошкент.

Истиқлол берган имкониятлар

ҚЎҚОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шунингдек, йиғилиш қарори асосида бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланиб, махсус дастур ишлаб чиқилди. Хусусан, дастурга мувофиқ 2005-2006 йиллар мобайнида Қўқон шаҳрида жойлашган кўпгина ишлаб чиқариш корхоналаридаги эскирган, талабга жавоб бермайдиган ускуна ва жиҳозларни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий ускуналар билан алмаштириш кўзда тутилган. Бу орқали уларнинг фаолияти барқарорлашиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажми ортади, сифати яхшиланади, мавжуд бўлган иш ўринлари тикланади. Бу жараёнда ўз навбатида давлатимиз томонидан корхоналар учун кредит олиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва хом ашё сотиб олиш имкониятлари кенгайтирилади. Масалан, Қўқон механика заводида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини ошириш ва бу орқали 7 турдаги импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, "Қўқон пойафзали" акциядорлик жамияти негизида йилига 450 минг жуфт болалар спорт пойафзали тайёрлаш қувватига эга бўлган қўшма корхона ташкил этиш, "Қўқонмаш" очиқ акциядорлик жамияти ҳамда "Қўқон одеяли" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини яхшилиаш, техник имкониятларини кучайтириш режалаштирилган. Шаҳарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали янги қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги васифалар ҳам талайгина. Айтиш жоизки, айни пайтга келиб бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар бошланган. Ҳадемай "Қўқон тўқимачилик корхонаси" акциядорлик жамияти негизида "Қўқон ХОФ тўқимачи" қўшма корхонаси, "Қўқонсут" масъулияти чекланган жамияти негизида ҳам янги қўшма корхона ишга туширилади. "Бехрон ойл" Ўзбекистон—Эрон қўшма корхонаси, "Киндер Q", "Ўзбегим кўйлаклари", "OLEUMPHARM Co LTD", "Сада", "Муқимий-нон" корхоналарида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Қўқон шаҳри ўзининг тарихий обидалари, ноёб меъморий ёдгорликлари билан кўплаб сайёҳларни ўзига чорлаб келади. Шу боис шаҳарда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, 2005-2006 йилларда Озодлик хиёбони, Жомеъ масжиди, Чорсу майдони, Камол қози, Норбўтабий, "Чалпак" ва "Хуржун" мадрасалари, Даҳмаи шоҳон, Мадалихон ёдгорликларини қайта таъмирлаш режалаштирилган. Худоёрхон ўрдаси атрофида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган замонавий мажмуа барпо этилади.

Қўқондаги туғруқ уйи биноси бундан роппа-роса 30 йил аввал капитал таъмирдан чиққан экан. Шу боис Фарғона водийсининг 7 та тумани ҳамда Қўқон шаҳри аҳлига хизмат қиладиган бу туғруқ масканини кейинги йилларда замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга, бинони таъмирлашга зарурат туғилди. Бу масала "Қўқон шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури" режасига киритилди. Айни пайтда туғруқхона биносида 30 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Вилоят ҳокимлиги энди шифо масканига замонавий тиббий ускуналар келтириш чораларини кўрмоқда.

Шаҳардаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўз қувонади. Қўқоннинг энг кўҳна ва сўлим оромгоҳлари кенгайтирилиб, шаҳар бутунлай янги қиёфа касб этган. Муқимий номли маданият ва истироҳат боғида ёзги амфитеатр қурилмоқда. Фурқат боғида ҳам маданий тадбирлар учун мўлжалланган ёзги томошагоҳ барпо этилди. Озодлик майдони, Мустақиллик хиёбони атрофидаги бинолар реконструкция қилинди. Кўча ва хиёбонлар атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳоллари экилган.

Ҳа, кўҳна ва навқирон шаҳар — Қўқон бугун дунёнинг энг тараққий этган шаҳарлари билан бемалол бўйлаша олади. Бу — шаҳарнинг бугунги куни ҳақидаги хулосалар. Бу — бугуннинг ютуқлари нишонаси. Қўқон аҳли бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ютуқлар оғушида ўзларини бахтиёр ҳисоблаб, янги-янги режалар билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Бироқ Қўқонда ҳали тараққиёт давом этмоқда. Одамларимиздаги буюк шижоат ҳали бизни янги ва янги муваффақиятлар сари бошлайверади. Бунга ишончимиз комил.

"Маҳалла" жамғармаси Янгийўл шаҳри бўлинмаси раиси Бахтиёр Мирзаалиев (суратда) шаҳардаги маҳаллаларнинг ўсмир болалари ўртасида футболни оммалаштириш ишига бош-қош бўлгандан буён шаҳардаги марказий стадионда маҳалла болалари тўп сурмаган, беллашмаган бирон кун йўқ. Маҳаллаларда тузилган жамоаларни спорт инвентарлари, махсус кийим-бош билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

Эъзоз

Сурхондарё вилояти

БЎЛИНМА ФАОЛИЯТДА — КЕКСАЛАР ФАРОҒАТДА

— дейди "Нуроний" жамғармаси Бандихон тумани бўлинмаси раиси Аллаберди Жумаев

Ўзбек хонадонида энг эъзозли инсон қариялар ҳисобланади.

Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятида ҳам бугун қарияларга нисбатан ана шундай ижобий муносабатни кузатиш мумкин. Жамғарманинг Бандихон тумани бўлинмаси ташкил этилганига 9 йил бўлибдики, унга тажрибали отахон, ташаббускор инсон Аллаберди Жумаев бошчилик қилади. Айни пайтда бўлинма ҳисобида туман бўйича 3 минг 56 нафар пенсионерлар туради. Уларнинг 470 нафари ногирон, 55 нафари уруш фахрийлари.

— Биз фаолиятимиз орқали қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда кекса ёшдаги эҳтиёжманд инсонларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаймиз, уларни ҳам маънан, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаймиз, — дейди бўлинма раиси Аллаберди Жумаев. — Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ талаб қилинади. Шу боис, давлатимиз томонидан ажратилаётган ҳамда ҳомийлик маблағлари билан чегараланиб қолмасдан, ўзимиз ҳам мустақил даромад топиш йўлларини қидирдик. Туман ҳудудидан ҳокимлик қарори асосида 30 гектар ер олиб, катта боғ ташкил этдик.

Ҳа, Аллаберди Жумаев ташббуси билан бошланган бу хайрли иш кўп ўтмай ўз самарасини берди. Ҳосилга кирган дарахтлардан ҳар йили кўп миқдорда мева етиштирилиб, ундан келаётган фойда бўлинма ҳисоб рақамини бойитиб бормоқда. Ундан ташқари жамғарма туманнинг "Ойбек" ширкат хўжалиги ҳудудида 5 та тегирмон ҳамда битта автомобиллар шиналарини ҳаво билан тўлдириш шахобчасини қуриб, фаолиятини йўлга қўйган. Ҳозирда бўлинма биргина ушбу тадбиркорлик фаолиятидан ҳар ойда ўртача 100 минг сўм даромад олаяпти.

Бугунга келиб туманда 7 нафар якка-ёлғиз қариялар бор. Уларга "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ҳомийлар бириктирилган. Жамғарма турли байрамларда, тадбирларда қарияларни йўқлаб хонадонларга боради. Уларга моддий ёрдамлар уюштиради, совғалар топширади. Жорий йилнинг ўтган даврида 60 нафар нуронийларга моддий ёрдам пуллари тарқатилди, 18 нафар уруш ҳамда 12 нафар меҳнат фахрийларига бўлинма томонидан қимматбаҳо совғалар улашилди. 43 киши вилоят ҳамда республика ҳудудида жойлашган турли қадимий қадамжоларга зиёратга олиб борилди.

— Дастурхон атрофига тўпланганда бежизга кексаларни давра тўрига ўтқазмаймиз, — дейди Аллаберди Жумаев. — Не машаққатлар билан фарзанд тарбиялаб, уларни илмли, фаросатли қилган, жамиятга фойдаси тегадиган инсонларни вояга етказган отанинг, онанинг эъзози бу. Давлатимиз сиёсатида ҳам бугун ана шундай инсонпарварлик йўриғи мужассамлашган. Юртбошимизнинг ташаббуси ва бошчилигида мамлакатимизда қариялар қадрланаяпти. Уларга катта ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бу одамларимиздаги меҳр-оқибатнинг, мурувват ва саховатнинг юксак намунаси.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири

Самарқанд вилояти

ҚАДИМИЙ ШАҲАРДА НАВҚИРОН ИНШООТЛАР

Самарқанд вилояти бўйича барча қулайликларга эга бўлган 53 та Маҳалла марказалари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Самарқанд шаҳридаги Девори кўндаланг ҳамда Каттақўрғон маҳаллаларида ишга туширилган Маҳалла марказлари ҳам ана шулар жумласидан. Бу масканлардан 250 кишилик тўйхона, спорт мажмуи ва бошқа маиший хизмат шахобчалари ўрин олган.

Айни пайтда бундай бунёдкорлик намуналарини шаҳардаги бошқа кўпгина маҳаллаларда ҳам учратиш мумкин.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири

Дўст ким, душман ким?!

„МАҲАЛЛАНГНИ КЕЗАМАН — МАҲАЛЛАНГНИ БУЗАМАН..."

Юртимиз тинчлигини кўра оллайдиганлар ич-ичидан шундай сўзларни хиргойи қилиб юришган бўлишса, ажаб эмас. Чунки маҳалла юрт тинчлигини бузишга уринганлар йўлида катта ғов бўлиб келмоқда.

Юртимизда фаолиятда бўлган маҳалла тузилмаси, яъни маҳалла фуқаролар йиғини (кенгроқ тушунчада олганда унинг қаторига шаҳарча, қишлоқ, овул, посёлка фуқаролар йиғинларини ҳам киритамиз) ўзига хослиги, айни пайтда айнан ўзимизга хослиги билан, юрт, халқ фаровонлиги, тинч-хотиржамлиги йўлидаги ўрни билан юртдошларимизнинг, хусусан ҳукуматимиз, айниқса, юртбошимизнинг доимий эътиборида. Буни қарангки, бугун маҳалла хорижлик "қизиқувчи"ларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаяпти. Кузатишларимиз оқибатида биз бу икки эътиборнинг бир-биридан мақсад нуқтаи назаридан фарқини англаб етгандек бўляпмиз. Юртдошларимиз эътиборининг мақсади — мазкур тизимни янада ривожлантиришдан иборатлиги ўз-ўзидан аён. Хўш, хорижлик, яъни халқаро сиёсатдону журналист ҳамда ўзини инсон ҳуқуқи ҳимоячилари деб атагувчилар, "меҳр-саховатли"лар ҳамда бошқаларнинг эътибори моҳияти нимадан иборат экан?! Кейинги йилларда бу каби биз билан қизиқувчиларнинг амалга ошираётган ишлари таҳлили шуни кўрсатаяптики, уларнинг баъзилари худди юртдошларимиз каби шу юрт, шу халқ истиқболи учун куйиб-пишаётганлари йўқ. Унда нега улар маҳалла билан бунчалик яқиндан шуғулланишмоқда? Демак, яна юқоридаги савол такрор бўлаяпти — мақсад нима?

Кейинги уч-тўрт йилда Ўзбекистонга бош суқиб келган қайси бир халқаро ташкилот борки, унинг тадбирлар дастурида "маҳалла" сўзини учратмай қолмайсиз. Агар уларнинг барчалари мақсади маҳалла ҳаётини, тажрибасини ўрганишга қаратилган бўлса, бошқа гап эди, яъни бош устига дер эдик. Чунки маҳалла ўзига хослиги билан дунёда ўхшаши йўқ тизим ва шу боисдан ўрганишга арзирли. Аммо уларнинг баъзилари маҳалла аҳлига маҳаллада қандай "яшаш"ни ўргатишни биринчи режага қўйишади ўз дастурларида. Шу мақсадда баъзи бирлари маҳалла фаолларидан вакилларни шаҳарнинг шинамроқ меҳмонхонасига йиғиб, уч-тўрт кунга яхшигина маиший шароитлар яратиб, тансиқ таомлар, ҳатто спиртли ичимлик билан сийлаб, аслида сизлар мана шундай яшашингиз керак, лекин сиз... деган хулосани айтиш билан тадбирни тугатса, бошқалари бир вилоятнинг узоқроқ жойида бир-икки аҳволи бундайроқ қишлоқларни топиб, у ерда ишламаётган артезиан қудуғини ишлатади ва биз қилдик буни, бошқа ҳеч ким сизлар учун қилмас эди, деган гап билан якун ясайди тадбирига, бошқаси тўртта велосипед бериб, бу "беминнат ёрдам"ни миннат қилиб газетада бостиради, яна баъзилари (булари ўз мақсадларини очиқроқ айтиб юради) "ҳақ-ҳуқуқи Ўзбекистонда тикланмаётганлар"ни топиб, лақиллатади, уларни йиғиб, ярасига туз сепиб, кўз ёшларини тўктириб, кейин дардини аритгандек бўлади. Охирида бу кўз ёшларга, ноҳақликларга "айбдор"ни билиб қўйишини таъкидлашади. "Айбдор" албатта Ўзбекистон ҳукумати, унинг органлари ва уларни бошқараётганлар, ҳатто маҳалла дея уқтиришади. Бу билан уларнинг мақсади янада ойдинлашади. Буни қарангки, бундайларнинг мақсади ҳаделганда амалга ошавермайди. Бунинг бирдан-бир сабаби — Ўзбекистонда тизимларнинг мустаҳкамлиги. Ҳукуматнику, қўяверинг, маҳалла, умуман, фуқаролар йиғини ҳам уларнинг халқни чалғитиш ишига онгли, ҳақли равишда қаршилик кўрсатади. Яъни юртимиздаги бу ўзига хос тизим аҳолини ҳақиқий мақсад сари мустаҳкамроқ жипслаштирган. Айниқса, 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши билан бундай йўналиш янада барқарорлашди. Бу ҳолда бузғунчи фикрловчилар одамларни ўз ортидан эргаштириши қийин кечади. Бундай пайтда ҳар қандай одам чора излайди. Демак, дея ўйлашади улар, маҳаллага қарши курашиш керак. Бу мақсадни Хюман Райтс Вотч деган ўзини ҳуқуқ ҳимоячиси деб санаган халқаро ташкилот асло сир тутмади. Эсингизда бўлса, бу ташкилотнинг ўша пайтдаги Ўзбекистонга келган вакили Матильда Богнер хоним юртимиздаги баъзи маҳаллаларни кезиб майдачуйда гаплардан каттагина бюлетень ҳозирлади ва уни "Маҳалла комитетларининг қонунбузарликлари" деб номлади. Унинг хулосасига кўра, маҳалла бу Ўзбекистон халқининг, айниқса, аёлларнинг барча ҳуқуқларини чекловчи ташкилот эмиш. Қизиғи шундаки, бунга мисол қилиб маҳалланинг юрт тинчлиги, оила барқарорлиги борасидаги фаолиятини тескари талқин қилган ҳолда бунга мисол қилиб кўрсатади. Биз уни аввал маҳаллани билмасдан туриб, маҳалла ҳақида фикр юритганликда айбладик. Йўқ, у маҳаллани озгина билар экан, ҳеч бўлмаганда унинг аҳоли ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишини, М.Богнер хоним ва унинг буюртмачиларининг юртни бузиш истагини амалга оширишда биринчи ғов бўлишини билиб олган эди. Ва шу сабаб у маҳаллани бузиш ниятида бўлган. Бу хонимнинг бузғунчиликка хизмат қилувчи ғояларини танқид қилиб, мақола ёзсак, у бунга муносабат билдиришни истамади, аммо худди жўжа эргаштирган она товуқ дон топганда "ғуқ-ғуқ" қилиб жўжаларини чорлагани каби беш-ўнта ёфдошлари, яъни халқаро ташкилотларнинг вакиллари, уларга эргашган гўёки "Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш фаоллари"ни гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда чорлаб, тақдимот, баъзида эса бизнинг мақолага қарши норозилик йиғини ўтказиб юраверди. Охиридачи, бу хоним охирини нима билан якунлади, денг? Ахир охири ёмонликдан бошқа ҳеч нарсага мўлжалланмаган тадбирнинг охири нима бўларди? Айниқса унга эргашганларга ҳеч нарса бермади, юрт нафратидан бошқа албатта.

Бизнинг саволнику қўяверинг, ҳатто, ҳуқуқимни тиклайди, деб унинг ортидан эргашиб юрганларнинг, унга "... доимий қийин вазиятлар остида бебаҳо ёрдамлар" кўрсатиб юрганларнинг энди нима бўлади, деган саволига, мен ажратилган маблағни сарфлаб бўлдим, фаолиятим ҳам тугади, дедию кетди-қолди. Унга тўҳмат маълумотлар тўплашга кўмаклашган, ҳамтовоқ бўлиб юрган бечора юртдошларимиз эса у чиқарган варақлар тўплами — ўша бюлетенни опичлаб анча вақтгача уни Ўзбекистондан излаб юришди. Богнер хоним ўз гумашталарига ўзининг эҳтиросларини, хомхаёллар оғушида юрувчи одамлардан эмас, ғарб дунёсида тарбия олган прагматик эканлигини айтмаган эканда. Ҳа, Матильда Богнер Ўзбекистон деган юртда ўзига ёрдам берган гумашталари борлигини, улар унинг ортидан юриб юртдошлари олдида қандай ноқулай аҳволга тушиб қолганлигини ўйлаб ҳам кўраётгани йўқдир. Фақатгина маҳаллангни бузаман, дея Ўзбекистонни кезиб, ҳеч бир маҳаллани тутган тамойилидан оздиролмаганлигини хўрсиниб эслаб қўяётган бўлса бордир. Аслида прагматик хонимга бу ўй ҳам ортиқча эди. Лекин келажакдаги бошқа бир ўйинбузуқилик учун тажриба сифатида керак бўлиш эҳтимоли бор-да.

Ўзбекистонда Матильдадан айри қолган бошқа халқаро "ҳуқуқ ҳимоячилари" эса маҳаллани енга олмагач, бугун қаерда бизга "иш" топилар экан, дея ҳар жойга бош суқиб юришибди. Улар Андижон воқеаларини шарҳлашга ҳам қизиқиб киришишди. Хусусан, ўз вақтида тил билмас, йўл билмас Матильдани қўлтиқлаб етаклаб юрган Галима Бухарбоева (у ўзини Уруш ва тинчлик масалалари бўйича Лондон институти вакили деб ҳисоблайди, аммо унга бу ҳуқуқни Ўзбекистонда ҳеч ким бермаган) бу воқеаларда ҳатто ўзини ўққа тутилган деб жар солиб "обрў" олмоқчи бўлди. Ҳарҳолда бир нарса кўнглимизни тоғдек кўтаради. Матильда бошлаган маҳаллага нисбатан ахборот хуружи мағлуб бўлди. Буни қарангки, ундан қолган "меросхўрлар" ҳам фош бўляпти.

Андижон воқеликларида, хусусан, унинг фожеалари янада даҳшатлироқ бўлмаслигида, унинг илдизини очишда, кўрилган зарарни бартараф этишда маҳалланинг, унинг фаолларининг ўрни катта бўлди. Шунингдек, бу ўринда юртимизга нисбатан бошланган ахборот хуружи туҳматларини фош қилишда (баъзи маҳалла фаоллари бундай туҳматларни уюштирган маҳалладошларини муҳокама қилишди, тўғри йўлга бошлашди) ҳам маҳалланинг сайъ-ҳаракати яққол сезилиб турди ва шундай бўлмоқда. Ҳа, нохолис "дўст"лар бекорга маҳалладан хавотирга тушмаган эди. Бу ўз-ўзидан "дўст" ниқобидаги хорижликларнинг нима учун маҳаллага "ишқи тушган" экан, деган саволнинг жавобини янада ойдинлаштирди.

Чори ЛАТИПОВ

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, профессор Озод Обидович Шарафиддинов узоқ давом этган хасталикдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Озод Шарафиддинов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1951 йилда Ўрта Осиё давлат университети /ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети/нинг филология факультетини битиргач, Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Озод Шарафиддинов адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида ўзига хос овози билан кириб келди. Унинг бадиий адабиёт муаммоларига бағишланган ўткир мақолалари, айниқса, «Замон, қалб, поэзия» китоби ўзбек адабиётига янгича нафас олиб кирди. Олимнинг талабчанлик руҳида, жўшқин қалб ҳарорати билан ёзилган адабий-танқидий асарлари, атоқли ўзбек адиб ва шоирлари ҳақида яратган теран илмий тадқиқотлари абадиётимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

У ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш ва уларни камолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим қирқ йил давомида Ўзбекистон Миллий университетида меҳрибон устоз, жонкуяр педагог сифатида самарали хизмат қилди.

Озод Шарафиддинов 1996-1997 йилларда «Тафаккур» журналининг бош муҳаррир ўринбосари, 1997 йилдан то умрининг охирига қадар «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири лавозимларида меҳнат қилди. Бу давр мобайнида у ўзини моҳир раҳбар ва истеъдодли таржимон сифатида ёрқин намоён этиб, журнал саҳифалари орқали халқимизни дунё адабиётининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда жонбозлик кўрсатди.

У айниқса истиқлол йилларида қатъият ва фидойилик билан ижод қилди. Оғир хасталигига қарамай, адиб ва публицист сифатида «Истиқлол фидоийлари», «Чўлпонни англаш», «Довондаги ўйлар», «Президент», «Ижодни англаш бахти» каби салмоқли асарлар яратди.

Озод Шарафиддиновнинг эл-юртимиз олдидаги катта хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларига, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденларига сазовор бўлган эди.

Бутун ҳаётини илм-маърифат ва маънавиятга бағишлаган заҳматкаш олимнинг ўлмас асарлари, сермазмун ҳаёти ёш авлодни тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг фидойи фарзанди Озод Шарафиддиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ,
М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ,
Р.ҚОСИМОВ, А.ОРИПОВ,
САИД АҲМАД, Э.ВОҲИДОВ**

Сурхондарё вилояти

БОЙСУНДА ОҚСОҚОЛЛАР ВА МАСЛАҲАТЧИЛАР ЎҚУВИ

Бойсун туманида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун бир ҳафталик ўқув ташкил этилди.

Ўттизга яқин сермазмун маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, туман ҳокими Эркин Бойниёзов, вилоят кенгаши депутати Мавлуда Ражабова, халқ таълими бўлими мудири Абдулатиф Норқулов, Саримозор жомеъ масжиди имом-хатиби Ҳайдарқул Соҳибқулов, туман прокурори Раҳмон Умаров, ички ишлар бўлими бошлиғи Фахриддин Кенжаев, "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси Қурбон Холмуродов, туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Қодировлар қилган маърузалар диний экстремизм ва унинг жамият барқарорлигига таҳдиди, Ўзбекистонда бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш асослари, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда маҳалла ва жамоатчилик роли, ёшлар тарбиясида ҳадисларнинг аҳамияти, комил инсонни тарбиялаш — давр талаби, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий меъёрларида дин, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, мустақиллик ва унинг тарихий аҳамиятига бағишланди. Маърузалар маҳаллий фактлар билан бойитилганлиги, унда қишлоқ ҳамда маҳалла йиғинларининг роли ва ўрни алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги туфайли келгусида оқсоқоллар, маслаҳатчилар фаолиятига дастурул амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Омон ШУКУРОВ

Яқинда пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" уйида халқаро туризм ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган вакиллар халқ амалик санъати, миллий қадриятлар, анъаналар ҳамда туризм соҳасига оид намойишлар билан иштирок этдилар.

СУРАТДА: ***"Ўзбектуризм" миллий компанияси Жиззах вилояти Саёҳат ва экскурсиялар бюроси вакиллари ўз кўргазмаси билан қатнашмоқда.***

Р.ГАЛИЕВ олган сурат

Олам турфа

ҚУШЛАР ҲАМ ҚАЧОН УЧИШНИ БИЛИШАДИ

Грециялик овчиларнинг эпиза қараганда, ҳозирги кўчманчи қушлар авлодларига қараганда анча аёр экан.

Овчиларнинг кузатишича, кузда Грециядан жанубга учадиган қушлар фақат душанба куни парвоз қилишаркан. Чунки душанба ов қилиш ман этилган кун. Қаранг, қушлар шуни ҳам фаҳмлаб қолишибди.

Овчилар уюшмаси эса душанба куни ҳам ов қилишга рухсат сўраб ҳукуматга мурожаат этган, бироқ рад жавобини олишган.

ЙЎЛБОШЛОВЧИ ТЎТИЛАР

Америкалик орнитолог Рей Барнак тўтилар учун махсус мактаб очган. Бу ерда ҳ тўтиқушлардан кўзи ожиз кишилар учун йўлбошловчи тайёрлайди.

Орнитолог қушларга "Тўхта", "Ўнгга бурил", "Чапга", "Эҳтиёт бўл" ва бошқа шу каби сўзларни талаффуз қилишни ўргатади. Унинг айтишича, кўча светофорларининг қизил, яшил, сариқ чироқларини йўлбошловчи итларга нисбатан яхши англайди. Шунингдек, болаларга, мушукларга, каптарларга ҳам эътиборини чалғитмайди ва итларга қараганда кўп умр кўради, лекин кам овқат ейди. Бу кўзи ожиз нафақахўрлар учун жуда муҳим.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Маҳаллада маърифий тадбир

Тошкент шаҳри

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Аждодлар меросини қадрлаш ва Ватан тарихини англаш комиллик сари қадамдир. Юртдошларимизда бу туйғу маҳаллада шаклланади.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани Кўкча-Оқтепа маҳалласида "Тарих ва ўзликни англаш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маҳалла аҳли, жумладан катта ҳаёт тажрибасига эга нуронийлар, меҳнат фахрийлари, зиёлилар ва маҳалла ёшлари иштирок этдилар.

СУРАТДА: *тадбир пайтида*

Давра суҳбатида халқимизнинг тарихий мероси, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ёш авлоднинг ўлкамиз тарихи, аждодларимизнинг илмий ва маданий меросини чуқур ўрганишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган умуминсоний қадриятлар, айниқса, қўни-қўшничилик алоқалари, маҳалла-кўй билан биргаликда яшаш талаблари, жамоат жойларида ёшлар ва кексаларнинг ўрни, тўй-ҳашам, маросимларни ўтказиш тартиблари, оилада ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар борасида миллатимизнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида қизғин баҳс-мунозаралар юритилди.

Шу тадбирда халқ университетлари Олмон уюшмасининг халқаро Алоқалар иститути (IIZ/DVV) вакиллиги ходимлари иштирок этиб, ўзбек маҳалласининг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар.

МУХБИРИМИЗ

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

"ДЎСТЛИК" — ШОҲСУПАДА

Яқинда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида ушбу йилги мусобақанинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда зонал баҳсларда ғолиб чиққан Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги "Учкўза", Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Алишер Навоий номли, Жиззах шаҳридаги Тошлоқ ҳамда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳаллалари ёш футболчилари биринчилик учун майдонда қизғин баҳс олиб бордилар. Беллашувлар якунида ғолиб жамоалар номи аниқланди. Унга кўра биринчи ўринни сурхондарёликлар ишғол этган бўлса, иккинчи ўрин бухороликларга насиб этди. Учинчи ўринга эса андижонлик ёш спортчилар муносиб топилди.

"ҒИШТМОН" — ҒОЛИБ БЎЛДИ

Турнирнинг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги якуний бахслари Фарғона шаҳрининг "Нефтчи" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Финалга чиққан жамоалар майдонда бор имкониятларини ишга солиб, турнирнинг республика ғолиблиги учун тўп сурдилар. Якуний ўйин барча нарсани ҳал қилди. Майдонда Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги Ғиштмон маҳалласи футболчилари Қашқадарё вилояти Муборак туманининг "Машъал" жамоаси устидан йирик — 8:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи ўринни Сирдарё вилояти Гулистон туманидан Уч қаҳрамон маҳалласи вакиллари эгалладилар.

**Алишер ЮНУСОВ,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви бош мутахассиси.**

Пахтазордан хабарлар

Тошкент вилояти

ЗАНГИОТАЛИК ҲАШАРЧИЛАР ҚУЙИ ЧИРЧИҚДА

улар учун қўшни туман пахтакорларига кўмаклашиш анъанага айланган

Зангиота тумани деҳқонлари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — мева-чева ва полиз экинлари етиштирадилар. Туманда бир-иккита тажриба участкаларини ҳисобга олмаганда, пахта деярли етиштирилмайди. Лекин зангиоталиклар пахта йиғим-терими мавсумида қўл қовуштириб ўтирмайдилар.

Ҳар йили Қуйи Чирчиқ тумани пахтакорларига ҳосилни йиғишда минглаб зангиоталиклар кўмакка келишади. Бу ўзига хос анъанага айланган. Айни кунда минглаб зангиоталиклар қўшни туман пахтазорларида жавлон уриб пахта термоқда. Улар орасида кунига 100 килограммдан ортиқ пахта тераётган ёшларлар кўпчиликни ташкил этади.

Яқинда Зангиота тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан 1 октябрда нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан яна бир хайрли тадбир ташкил этилди. Ушбу сана арафасида Қуйи Чирчиқ тумани "Янги ҳаёт" жамоа хўжалигида зангиоталик ҳашарчилар сафидаги ўқитувчи-мураббийлар, тарбиячилар учун байрам тадбири ўтказилиб, унда теримда илғорлик намуналари кўрсатаётган зангиоталик ҳашарчилар, шу жумладан, ўқитувчилар ва ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ҳашарчилар бригадаларига ҳомий ташкилотлар томонидан байрам дастурхони тузаш учун ажратилган 21 бош қўй ҳамда кузги мавсумий пойабзал тўпламлари тарқатилди.

— Пахта терими муносабати билан туманнинг ўқитувчи-тарбиячилари, ҳар йили бу пайтда қўшни туман пахта далаларида бўладилар, — дейди Зангиота тумани ҳокими Акмалжон Исабоев. — Шу боисдан ҳашарчиларимиз учун бундай ўзига хос кўчма байрам тадбири улар пахта тераётган хўжалик ҳудудида ташкил қилинади. Умуман, Қуйи Чирчиққа бу мавсумда саккиз ярим минг нафар зангиоталик теримчилар келишган. Уларга турли маиший шароитлар яратиш, тиббий хизмат кўрсатиш ва мавсумий кийим-бош билан ва техника воситалари билан таъминлашни ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Аслида, пахта юрт бойлиги, миллатимиз бойлиги, шу боисдан хирмонни юксалтириш ишида ҳудудимиз, манзилимиздан қатъий назар барчамиз ҳамкор, ҳамжиҳат бўлишимиз лозим, деб ўйлайман. Қуйичирчиқлик пахтакорлар ғалабага эришган кун биз учун ҳам байрам бўлиши аниқ.

МУХБИРИМИЗ

Оққўрғон тумани Ўзбекистон ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Саидобод, Самарқанд, А.Навоий ва С.Раҳимов номли маҳаллалар аҳолисидан 240 нафари хўжалик пахтакорларига пахта йиғим-теримида кўмаклашмоқдалар.

СУРАТДА: Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муроджон Шарипов (чапда) хўжалик вакили билан терим сурьати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Суранг, жавоб бераміз

ФУҚАРО РЎЙХАТДА ТУРМАСА...

Таҳририят Навоий вилояти Конимех тумани Конимех шаҳарчасидаги Дўстлик фуқаролар йиғини ходимларидан қуйидаги мазмунда мактуб олди: "...Маҳаллада кўпинча паспорт маълумотларига кўра бизнинг маҳаллада ҳудудидаги хонадонда рўйхатда турувчи, аслида бошқа маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар моддий ёрдам ва нафақа пули ажратилишини сўраб мурожаат қиладилар. Биз ўз навбатида фуқаро бу каби ижтимоий ёрдамни олиш учун яшаётган манзилидаги фуқаролар йиғинига мурожаат қилиши лозимлигини тушунтирамиз. Лекин айримлар юқори ташкилотларга шикоят қилиб, мутасаддиларни ҳам, бизни ҳам оввора қилишмоқда. Бу ўринда йиғин томонидан қандай йўл тутилса қонуний бўлиши ҳақида газета орқали маълумот олишни истардик..."

Бу каби ҳолатлар бошқа йиғинларда ҳам учраб турганидан хабардормиз. Таъкидлаш жоизки, фуқаролар томонидан доимий рўйхатда турган манзилда истиқомат қилмаслик аввало паспорт режими талаблари бузилиши ҳисобланади. Бу ўринда йиғин раиси, фаоллари, жамоат тартибини таъминлашга масъул бошқа шахслар фуқарони паспорт режимига амал қилишга чақириши, тушунтириш ишлари олиб бориши зарур.

Умуман олганда, тегишли меъёрий ҳужжатларда ижтимоий муҳофаза кўрсатилиши сўралган ариза ва тегишли ҳужжатлар шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилиши ва йиғиндаги махсус комиссия лозим топгандагига тегишли тарзда нафақа ёки моддий ёрдам тайинланиши қайд этилган.

Йиғин орқали фуқарога моддий ёрдам ёки нафақа тайинлаш борасида фуқаронинг яшаш жойи, рўйхатда туриши масаласида англашилмовчилик юз берганда тайинлаш масаласи унинг бошқа, хусусан, у рўйхатда турган ҳудуддан шундай ёрдам ёки нафақа олмаётганлигини тасдиқловчи маълумотлар олингач, у яшаб турган ҳудуд йиғинида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Юрт тарихидан лавҳалар

ЕТТИ ИҚЛИМ ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Юртимиз шаҳарлари азалдан дунёнинг йирик савдо марказларидан ҳисобланади.

"Буюк Ипак йўли"дан ўтувчи карвонларнинг кўпи ўлкамизда тўхтаб, тижорат ишларини амалга оширган. Албатта, бу ҳолга табиий заҳираларнинг бойлиги, қулай жўғрофий макон ва табиий шароит билан бирга одамларнинг меҳнаткашлиги, қўли гул ҳунармандлари, диди нозик чеварларнинг санъати ҳам сабаб бўлган. Айниқса, четга чиқарилган буюмлар, маҳсулотлар бу замин довруғини узоқ-узоқларга, етти иқлим мамлакатларига таратган.

Бухоро ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида Ўрта Осиё минтақасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Шу билан бирга Бухоро қадимдан йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири ҳисобланиб келади.

IX-X асрларга келиб, Бухорода ҳунармандчилик тез ривожланади. Кулолчилик, тикувчилик, заргарлик, кўпчилик бўёқчилик ва бошқа соҳалар ривож топади.

Тўқимачилик нафақат шаҳарда, балки қишлоқларда ҳам яхши йўлга қўйилади. Тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг ёзишича, Бухоронинг Зандапа қишлоғида аъло сифат бўз тўқувчилар кўп бўлган. Улар тўқиган матоларнинг Боғдод, Хуросон, Сурия, Византия, Миср каби мамлакатларда харидорлари сероб эди. Бу матоларнинг сифати шу қадар аъло бўлганки, Наршахийнинг ёзишича бир пардалик матонинг қиймати Бухородаги ерларнинг ҳаммасидан келадиган солиққа тенг бўлган.

X аср араб сайёҳи Ал-Муқаддасий Бухоро ҳақида маълумот берар экан, шаҳарни ғоят даражада обод, бозорларида қимматбаҳо моллар сотилади, Ровотдан ўнг тарафга йўл кетади, ушбу иқлимда бунчалик гавжум ва обод шаҳар йўқдир деб таърифлайди. Сайёҳ Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Бухородан бошқа жойларга майин матолар, жойнамозлар, оқ сурплар, жун кўрпалар, гилам ва гиламчалар, меҳмонхоналарга ёйиб қўйиладиган матолар, оҳу териси, ҳайвонлар мойи, мис чироқдон, от жабдуқлари келтирилган. Наршахийнинг ёзишича, Бойканд аҳолиси ҳаммаси савдогар бўлган, улар Хитой ва денгиз орқали бориладиган мамлакатлар билан савдо қилганлар ва ғоят бой бўлганлар. Бухоро яқин ва ўрта шарқ мамлакатларини Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур "Буюк Ипак йўли" устида жойлашган бўлиб, аҳолисининг кўпчилик қисми савдогарлардан иборат бўлган. Шу боисдан Бухорои Шариф азалдан Мадинат ут-тужжор, яъни тижоратнинг марказларидан бири сифатида дунёга довруғ таратган. Айниқса, Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II даврида ҳунармандчилик ва савдо ишлари яхши ривожланади. Абдуллахон Бухорода тижорат ишлари ривожи учун барча шароитларни яратиб берган. Карвон йўллари таъмирланиб, савдогарларни талончилардан ҳимоя қилиш учун қўриқчи аскарлар қўйилган, йўл ёқаларида карвонсаройлар, работлар ва сардобалар бунёд эттирган. Айни бир вақтда ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳам имкониятлар яратиб берган. Ички бозорлар, савдо расталари, усти ёпиқ бозорлар, яъни тимларни кўпайтириб, ҳар бир маҳсулотни сотиш учун жой ажратди ва уларнинг сонини кўпайтирди. XVI асрда Ўрта Осиёга келган инглиз сайёҳи Антони Жекинсон бу ерда ҳар бир ҳунар ўзининг алоҳида ўрнига ва ўз бозорига эга эканлигини ва ҳиндлар Бухородан ипак газлама, рус савдогарлари эса ипдан тўқилган буюмлар, ҳар хил навли шойи ва газламалар олиб кетишини ёзади.

Айниқса, Бухоронинг уста заргарлари томонидан ясалган олтин ва кумушдан лаъл, ёқут, феруз кўзли нақшинкор узук ва билакузуклар, камарлар, аёллар зеб-зийнатлари ва бошқа кўплаб, бир-биридан гўзал буюмларнинг харидорлари кўп эди. Бу заргарлик буюмлари Ўрта Осиё хонликларига ва қўшни шарқ мамлакатларига чиқарилган...

Бухоро савдогарлари XIV-XVII асрларда савдо-сотиқ алоқаларини олиб бориб, Ҳиндистон, Кашмир ва Қашқарга ипак ва ипак матолари, эчки тивити, чарм, зотли отлар, қуруқ ва ҳўл мевалар олиб борганлар. XVII-XVIII арсларда шарқ мамлакатларини кезган европалик сайёҳлар Ўрта Осиё, айниқса, Бухорода ипакдан тўқилиб кенг истеъмол қилинган ва четга чиқарилган сифатли ва нафис молларни кўриб лол қолган ва буни ўз асарларида, кундаликларида ёзиб қолдирганлар.

Жумладан, XVIII асрнинг 70 йилларида Бухорога келган рус сайёҳи Ф.Ефремов ўзининг "Ўн йиллик сафар" деган хотиралари китобида, — бу ерда зарбоф ва кумуш безакли йўл-йўл атлас, духоба, майсалар тасвири туширилган йўл-йўл нимшойи газлама ва бошқа хилма-хил газламалар тўқийдилар, — деб ёзган эди.

Абдуллахон тими уч юз йилдан ортиқроқ давр мобайнида ипак ва ипак буюмлар бозори сифатида Шарқда шуҳрат қозонган. Шундай қилиб, Бухоро XVI-XIX асрларда ички ва ташқи савдонинг йирик марказларидан бири ҳамда шарқу ғарбни боғловчи алоқа маркази бўлган. Шимол ва ғарб билан савдо-сотиқни ривожлантириб, дунё савдогарлари, яъни етти иқлим мамлакатлари туташган, тўпланган бир манзилга айланган.

Тарихий маълумотларга кўра, 1848 йилда Бухорода 38 та карвонсарой, 9 та тим (усти ёпиқ бозор), шаҳарнинг ўзида 45 та ва унинг атрофларида 22 та бозор бўлган. Бухоро шаҳрига ҳар йили яқин ва ўрта шарқ мамлакатлари ҳамда қўшни хонликлардан 10-15 минг савдо карвонлари келиб турган.

(Давоми бор)

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Пишиқчилик фаслининг неъматлари мазали...

Эҳтиёткорлик шарт!

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ, ОДАМЛАР...

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Афсуски, айрим фуқаролар билиб туриб ўзларини ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзбошимчалик билан хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир уй бекаларимиз ҳам газ плитасидан нотўғри фойдаланиб, ёнғин сабабчилари бўлиб қолмоқдалар.

Айни кунда ўлкамизда куз, хазонрез пайти. Бу фаслда шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар ҳовлиларида хазонларни тўплаб ёқишаётганига гувоҳ бўламиз. Айнан шу ҳолат сабабли ёнғин содир бўлиш хавфи ортади, болаларнинг ўйинқароқлик қилиб хазон гулханида куйиб, турли тан жароҳатларини олиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Қолаверса, хазон ёқилганида атрофга инсонлар ҳаёти учун зарарли тутун тарқалади. Шу боисдан барчани атроф-муҳит учун зарарли, энг муҳими, ёнғин хавфини юзага келтирувчи бу ҳолатнинг олдини олишга чақирамиз. Бу масалага жойлардаги маҳалла йиғинлари ходимлари ҳам ҳушёр ва эътиборли бўлсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради, балки ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради.

Х.ФОЗИЛОВ,
Ёнғин хавфсизлиги бўлими
1- ХЁХ алоҳида пости катта инспектори.

Қўшиқ "Mahalla" талқинида

Х.СОДИҚОВ чизган расм.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЬБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳамкорлар ва яқинларингиз билан юзага келадиган келишмовчиликлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)
Шу кунларда атрофингиздаги кишиларга танқид кўзи билан қарамаганингиз маъқул. Спорт билан шуғулланишни унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Қиммат баҳо қоғозлар билан боғлиқ ишларни кейинроққа қолдирганингиз маъқул. Оилавий муносабатарни тартибга келтиринг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Яқин кунларда рўзғор юмушлари, кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар, оилавий муаммолар ечими сизнинг изингизда бўлади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунлардаги янги танишларнинг кутилмаган таклифлари, режаларини амалга ошириш салбий оқибатлар келтириши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий музокараларга киришмай туринг. Бу борадаги биргина хатолик кўпгина муаммоларга олиб келиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Муҳим вазифаларни амалга оширишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган кичик ёки арзимас юмушларга эътиборли бўлинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўзига жалб қиладиган, осон бўлиб кўринадиган режаларни амалга оширмаганингиз маъқул. Қонун билан иш кўришни унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Келгусига режалар тузиш ва уларга амалга оширишга шошмаганингиз маъқул. Уларни қўллаш вақти ҳали келгани йўқ.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Иш ўрнингизни ўзгартиришдан аввал ўйлаб кўринг. Айни пайтда ўзингизга бўлган талабчанлигингизни оширишингизга тўғри келади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Атрофингиздагилар билан муносабатда яхшилаб ўйлаб иш кўринг. Хатолар тузатилиши мумкин, аммо асорати қолиши аниқ.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда куч ва салоҳиятингизни ортиқча сарфлашингизга тўғри келмайди. Чунки муаммоларингиз осонгина ҳал бўлади.

ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Акрамов Алишер Валиевич номига берилган 285751дан 285800 гача рақамланган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Акрамов Алишер Валиевич номига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган 1016308 рақамли патент йўқолганлиги сабали бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Акрамов Алишер Валиевич номига берилган 285751дан 285800 гача рақамланган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Акрамов Алишер Валиевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"ELD-TIB-MAHSULOT" МЧЖнинг Устав фонди 31360000 сўмдан 28662000 сўмга камайтирилади. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, генерал Узоқов номидаги кўча, 1-уй.

Утеренный гос. ордер 10-02/13001 от 10 марта 1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Абдукадировой Шарапат считать недействительным.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) — Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича): 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи — НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ — 148 (нашр кўрсаткичи)
Mahalla
(нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм — Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича): 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Trauereut - Deutschland
STAR PARK CATALOGUE



БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Рахмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7157 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-922
2 3 4 5 6
Топширилди —